

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

РЕЖА

1. Фуқаролик жамияти тизимида маҳалла ва ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни.
2. Маҳаллий ҳокимият ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро муносабатлари.
3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш.
4. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини ривожланишининг концептуал асослари.



Ўзбекистонда фуқаролар ўзини ўзи бошқарувини амалга оширишда маҳалла ўрнатилган бўлади. Маҳалла ўзбекларнинг тарихан шаклланган жамият тараққиётини юксалтириш учун ягона мақсад билан яшаб, фаолият кўрсатиш маконига айланган. Ўзбек халқининг турмуш тарзи, руҳияти, ижтимоий ҳаётининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи, миллий анъаналарини, урф-одатларини, ахлоқий-маънавий қадриятларини авлоддан-авлодга етказувчи муқаддас маскан бўлиб келган. Маҳалла инсонларнинг миллати, ёши, жинси, дини, ирқи, тили, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар уларни эзгулик йўлида жипслаштирувчи ва бирлаштирувчи катта ва муқаддас оила ҳисобланади.

Маҳалла, умуман, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик жамиятидаги роли уларнинг муайян ҳудуддаги аҳолинини бирлаштириши, уни ягона жамоага айланиши ва фаолият кўрсатишига хизмат қилишидадир. Бугунги кундаги замонавий тадқиқотларда муниципал тузилманинг аҳолиси «ҳудудий оммавий жамоа», «ҳудудий жамоа», «маҳаллий ҳамжамият» тушунчалари билан белгиланади. В.Е. Чиркиннинг таърифича, ҳудудий оммавий жамоа – аҳолини ҳудудий мансублик белгиси бўйича ташкил этишнинг махсус шакли ва одамларнинг фуқаролиги ва ёшидан қатъи назар махсус уюшмасидир. Ҳудудий оммавий жамоа сифатида у давлатни ташкил этган жамиятлар, уларнинг ичида тузилиши мумкин бўлган ва ташкил этилаётган бошқа ҳудудий оммавий жамоалар: федерация субъектлари, сиёсий автономиялар, муниципал тузилмаларнинг аҳолиси (халқи)ни ажратади.

Фуқароларнинг уюшганлик даражаси, ўзаро алоқаларининг яқинлиги, ҳудудий жамоаларнинг турли кўламда ташкил этилишига қараб фарқланиши табиий ҳолдир. Айнан ушбу ҳолат турли кўламдаги ҳудудий жамоаларнинг фаоллигига салбий таъсир кўрсатади. Энг қуйи қишлоқ, шаҳарча, маҳалла жамоалари аъзолари алоқаларининг яқинлиги, уларнинг бошқарувдаги бевосита иштироки туфайли, ҳудудий ҳамжамиятларни шакллантиради. Айнан шундай ҳамжамиятлар манфаат гуруҳларини ташкил этиб, ҳудудий ўзин ўзи бошқарувчи субъект ҳисобланади. Бундан ҳар бир ҳудудий жамоа, унинг кўлаמידан қатъи назар, ривожланган коммуникациялар тизимига эга бўлиши лозим деган хулоса келиб чиқади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мустақиллиги уларнинг маҳаллий ҳокимият органлари билан муносабатларида акс этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддасига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган мустақил фаолиятидир. Мазкур Қонун 8-моддасининг иккинчи қисмида эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ва қонун билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудуд доирасида амалга ошириши мустаҳкамланган.

Мустақилликка эришилиши билан Ўзбекистонда маҳалла институтига мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратишнинг фаол жараёни бошланди. Биринчи ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўлди, унинг 105-моддасида қуйидагича белгилаб қўйилган: "Шаҳарча, қишлоқ ва овуларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди". Конституциянинг ушбу қондаси маҳалланинг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантириш учун дастуруламал бўлиб хизмат қилди. Шундай қилиб, 1993 йил 2 сентябрь куни "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун илк марта қонунчилик даражасида маҳалла фаолиятини тартибга солди, яъни унинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берди.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга кўра фуқаролар йиғинларидаги асосий йўналишлар бўйича комиссиялар рўйхати қуйидагилардир:

1. Яраштириш комиссияси;
2. Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссия;
3. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия;
4. Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия;
5. Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия;

6. Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалари бўйича комиссия;

7. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия;

8. Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия.

Тегишли ҳудуддаги муаммоларнинг долзарблигига қараб, фуқаролар йиғини томонидан фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бошқа комиссиялари ҳам тузилиши мумкин.

«Маҳалла» арабча сўздан келиб чиқиб, «шаҳар ичидаги шаҳар» маъносини англатади. Тарихчи олим Наршахий «Бухоро тарихи» асарида бундан 1100 йил илгари маҳалла халқнинг бошқарув услуби эканлигини ёзган эди. Қадимда маҳалла нафақат ижтимоий, балки маъмурий-ҳудудий тузилма тарзида ҳам эътироф этилган. Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» («Яхши кишиларнинг ҳайратланиши») асарида қуйидаги банд учрайди: «Шаҳарлар отини маҳолот этиб, бўлди чу юз шаҳар Ҳири от этиб». Маҳалланинг «шаҳар ичидаги шаҳарча» деган мазмуни юқоридаги ташбеҳдан кўриниб турибдики, ўрта асрларда Ҳири деб аталган Ҳирот шаҳри юзта кичик «шаҳарча» - маҳалладан ташкил топган экан.

Демак қадим замонларданок ўзини-ўзи бошқариш органларининг илк куртаклари намоён бўлган. Шаҳарда бу жараён бир нечта минг минлик тархга эга бўлган маҳалалар кўринишида ривожланган бўлса, Ғарб мамлакатларида кишиларнинг ўз манфаат ва қизиқишларини жамиятдаги муносабатларда ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш масаласида ҳар хил уюшмалар, партиялар, жамиятлар, ҳаракатлар ва бошқа тузилмалар сифатида пайдо бўлишига асос солинди.

Узоқ йиллар маҳалла тарихи ва социологиясини тадқиқ этган америкалик олим Д. Карлайл қуйидагиларни ёзади: «Оила ва дўст-ёрлар маҳалла турмушининг бош асоси бўлиб келган ва шундайлигича қолади. Улар шахсий муносабатларнинг тамал тоши саналади. Улар «сулола» деб аталувчи, кишиларни бирлаштирувчи ва ажратувчи ўта муҳим тармоқ тузилмасини яратди. Яқинлик муносабатларига асосланган ҳамда насл-насаб принциплари билан метинлашган маҳалла ўзбеклар дунёга келадиган, тарбиялайдиган ва одатда ўзининг бутун ҳаётини ўтказадиган жой ҳисобланади.

БЕШОҒАЙНИ – Себзор даҳасидаги қадимий маҳалла. Коҳота, Ҳовузли, Қоратут, Қошиқчилик маҳаллалари билан чегарадош бўлган. Қарийб 150 хонадон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, чакана савдо ва ҳунармандчилик, шаҳар ташқарисидаги ерларида деҳқончилик билан шуғулланган, 2 масжид, қабристон, чойхона, баққоллик дўконлари, сартарошхона, жувозхона, тегирмон, тўқув устахонаси бўлган (20-аср боши)

ЯЛАНГҚАР – *Бешёғоч* даҳасидаги қадимги маҳалла. Мурод, Зевак, Қоратош маҳаллалари билан чегарадош бўлган, 300 га яқин хонадон яшаган. Аҳолиси ўзбеклар бўлиб, кўпчилиги ҳунармандчилик, шаҳар ташқарисидаги ерларида деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланган. Ялангқарда 2 масжид, 2 чойхона, қабристон, рус-тузем мактаби (1895 йил ташкил этилган), баққоллик дўконлари бўлган (20-аср боши). Ҳозирги Ялангқар ҳудудига турар жой ва маъмурий бинолар қурилган

ҚАШҚАР, Қошғар – *Шайхонтоҳур* даҳасидаги қадимги маҳалла. Турк, Ила, Тожик маҳаллалари билан чегарадош бўлган. Бир чеккаси Янги шаҳарга туташган. Қарийб 130 хонадон яшаган. Аҳолиси 1830-йилларда Қўқон хони томонидан, асосан, Қашқардан кўчириб келтирилган қашқарликлар (номи шундан), бир қисми ўзбеклар бўлган; савдотик, шаҳар ташқарисидаги ерлари (Оққўрғон, Бўз, Яланғоч ва бошқа мавзелар)да деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланган. Қашқарда 4 та карвонсарой, бозор, масжид, баққоллик дўконлари бўлган (20-аср боши). Маҳалланинг шарқий чеккасида шаҳар дарвозаларидан бири – Қашқар дарвозаси жойлашган эди. Черняев бошлиқ рус қўшинлари дастлаб 1864 йил октябрда Тошкентга шу томондан ҳужум қилган, лекин кўп талафот бериб чекинган. 1865 йил Тошкентни рус қўшинлари босиб олгач, Қашқардаги эгасиз қолган хонадонларга рус офицерлари жойлашиб олган. Қашқарда Ҳамза мактаб очиб бир муддат ишлаган эди. Маҳаллада маърифатчи ва адабиётшунос олим Миёнбузрук Солиҳов (1892–1939) яшаган. Тошкент zilзиласи (1966) эпицентри Қашқарда бўлган. Иморатлар қаттиқ шикастланган. Қашқар ўрнида Қашқар маҳалла турар жой мавзеи барпо этилган.

**Кузатишлар ва олиб борилган тадқиқотлар асосида Ўзбекистон ҳудудида
маҳаллаларни қуйидаги тўртта асосий қисмга ажратиш мумкин:**

Шаҳарлардаги анъанавий маҳаллалар,

Шаҳарлардаги квартал маҳаллалар,

Шаҳарчалардаги маҳаллалар,

Қишлоқ маҳаллалари.

Маҳалланинг бугунги кундаги ижтимоий ҳолатига эътибор қаратиладиган бўлса, унда қуйидагиларни кузатиш мумкин: **биринчидан**, оила муҳофазаси, **иккинчидан**, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалик, **учинчидан**, ижтимоий ҳимояда фаол иштирок этиш, **тўртинчидан**, маънавият ва ижтимоий ҳуқуқни шакллантириш, **бешинчидан**, сиёсий фаолликни ошириш ва ҳоказо.

Фуқаролик жамияти институтлари:

1. Жамиятнинг асосий бирлиги – сиёсий қарамликдан ҳоли бўлган, ўз ҳуқуқларидан фойдаланишга қобил бўлган шахс;
2. Турли туман манфаатларни ифодалаш ва амалга ошириш зарурияти асосида шаклланадиган жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар;
3. Нодавлат ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва институтлар (хусусий мулк, меҳнат, тадбиркорлик ва ҳоказо);
4. Давлатдан мустақил бўлган ишлаб чиқарувчилар (хусусий фирмалар ва бошқалар); –жамоат бирлашмалари ва ташкилотлари;
5. Сайловчилар уюшмалари, турли клублар ва тўғараклар;

6. Муниципал, яъни ўзини ўзи бошқариш органлари;
7. Таълим ва тарбиянинг нодавлат соҳаси;
8. Нодавлат оммавий ахборот воситалари;
9. Сиёсий партиялар, қонун чиқарувчи ва вакиллик органлари атрофидаги давлат билан фуқаролик жамиятини (боғловчи бўғин» сифатидаги) турли лобби ташкилотлари;
10. Тадбиркорлар, фермерлар ташкилотлари, касаба, истеъмолчилар уюшмалари, илмий ва маданий ташкилотлар, спорт жамиятлари ва бошқалар.
11. Оила;
11. Диний ташкилотлар ва бошқ.

Мамлакат тарихида илк бор фуқаролик жамияти институтлари - жамоат бирлашмаларининг мустақиллиги, уларнинг давлат ва ҳукуматдан алоҳида фаолият юритувчи ҳуқуқий субъект эканлиги тан олинди. (1991 йилнинг 15 февраль) Бу ҳолат фуқаролик жамиятига хос белгилардан бири эди. Қонунда давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашиш, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмаслиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.